

Шолеини баланд, умрини узок, ризқ-насибани доимо бутун бўлсин!

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

ЖАМҚ СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган



2000 йил 8 март
Чоршанба
Сотувда эркин нархда
№ 47 (2344)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

ЎЗБЕКИСТОН ХОТИН-ҚИЗЛАРИГА БАЙРАМ ТАБРИГИ

Мухтарам онахонлар!
Азиз опа-сингиллар!
Мунис ва лобар қизларимиз!
Барчангизни зеболик ва нафосат ай-
вми — 8 март байрами билан чин қал-
бимдан самимий муборакбод этаман.
Бу гўзал айёмнинг илк баҳор кунла-
рида байрам қилиниши бежиз эмас.
Чунки Баҳор ва Аёл тушунчаларини
бир-биридан айри ҳолда тасаввур этиб
бўлмайди. Бу икки сўз замирида ҳаёт
абдийлигига ишонч, меҳр-муҳаббат,
покиза орзу-умидлар мужассам.

Аёл зоти Оллоҳ таоло яратган таби-
аатнинг энг буюк мўъжизаси, деган фик-
рда теран маъно бор.

Аваламбор, аёл — ўзининг бетак-
рорлиги билан мўъжиза.

Аёл — ўзининг гўзаллиги билан
мўъжиза.

Аёл нафақат оилада, балки бутун жа-
мият ҳаётида меҳр-муҳаббат, оқибат,
аҳлилик муҳитини қарор топтириши бил-
ан мўъжиза.

Аёл зотининг ҳаётни давом эттириш-
дек қудрати, оналик синаотининг ўзи
улуг бир мўъжиза эмасми?

Оқ сuti билан янги-янги авлодлар
қалбига ўз юртига меҳр ва садоқат,
ҳалоллик ва фидойилик фазилатлари-
ни сингдира олиши аёл буюклигининг
яна бир ифодаси эмасми?

Мухтасар қилиб айтганда, аёл ин-
сонни инсон, оилани оила қиладиган,
ҳаётни гўзаллик ва меҳрибонлик бил-
ан нурафшон этакдан мўътабар зот-
дир.

Аждодларимизнинг аёлларга нечоғ-
ли ҳурмат ва меҳр билан иззат-икром
қўрсатгани барчамизга яхши маълум.
Ота-боболаримиздан мерос бўлиб
қолган бу эзгу фазилатлар миллиятим-
изнинг қон-қониди яшаб келмоқда.

Бу бизнинг ана шу азалий қадрят-
ларга содиқ бўлиб амалга ошираётган
бугунги хайрли ишларимизда намоён
бўлмоқда.

Шу нуктаи назардан қараганда, Аёл-
лар йили муносабати билан белгила-
ган тадбирларимиз бир ёки бир неча
йил билан чекланмайди, албатта. Улар-
ни изчил давом эттириш, бу борадаги
орзу-умидларимизни рўёбга чиқариш

барчамиз учун ҳам қарз, ҳам фарз.

Биз буюк келажакимизни яратиш,
ҳаётимизни фаровон ва ёрқин қилиш мақ-
садида қандай ташаббус бошламайлик,
бу эзгу интилишларимизда, аввало, мух-
тарам аёлларимизга таянамиз.

Инсон манфаатлари йили дейимизи,
Оила йили дейимизи, Соғлом авлод
йили дейимизи, бу борадаги дастур ва
режаларимизнинг рўёбга чиқиши бирин-
чи галда аёлларимизга, уларнинг ақл-
заковати, жасорати ва фидойилигига
боғлиқ.

Бир сўз билан айтганда, кейинги йил-
ларда аёлларимизнинг фаоллиги, жа-
мият ҳаётида ўз урнини топаётгани,
Оллоҳ таоло уларга ато этган барча фа-
зилатларни тўла намоён қиладигани
"Аёл дунё бешигини тебратад", деган
хикматнинг тасдиғи эмасми?

Энг муҳими, мен ватандошларимга,
халқимизга яна бир бор шуни айтмоқ-
чиман: биз ўзимиз танлаган эркин ва
фаровон ҳаёт қуриш, қўзлаган мақсад-
муддаоларимизга етиш, халқимизнинг
руҳини уйғотиш йўлида эзгу қадрятла-
римизни таянч деб билиб, улардан
ҳамиша маънавий куч-қудрат оламиз.

Бу қадрятлар замиридаги аёлга ҳур-
мат, аёлга эҳтиром туйғулари жамияти-
миз маданий савиясини, унинг маъна-
вий янги босқичга кўтаришга, ин-
соний фазилатларимизни янада юксал-
тиришга хизмат қиладди, деб ишонаман.
Биз бу олижаноб йўлдан ҳеч қачон
қайтмаймиз.

Мухтарам оналар, қадрли опа-син-
гиллар!
Дилбар қизларим!

Сизларни яна бир бор улуг айём —
Халқаро хотин-қизлар байрами билан
чин юракдан муборакбод этаман.

Ҳаётимизни маъно-мазмун билан
тўлдириб, умр йўлларимизни мунаваар
этиб келётган сиз — азиярлар ҳар қан-
ча ташаккур айтсак, ҳар қанча таъзим
қилсак арзийди.

Толеингиз баланд, умрингиз узок,
ризқ-насибанигиз доимо бутун бўлсин!
Халқимиз, Ватанимиз, фарзандлари-
миз бахтига ҳамиша омон бўлинг!

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти.



Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҚАРОРИ

Зулфия номидаги Давлат мукофотини бериш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1999 йил
10 июндаги "Зулфия номидаги Давлат мукофотини таъ-
сис этиш бўйича тақдирларни қўллаб-қувватлаш тўғри-
сида"ги Фармонига биноан Вазирлар Маҳкамаси
ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Республика хотин-қиз-
лар кўмитаси қошидаги Зул-
фия номидаги Давлат муко-
фоти комиссиясининг тақ-
лифларига асосан, аёло
хулқи, зуққолиги, донолиги,
ташаббускорлиги билан ноёб
истеъдодли намоён этаёт-
ган ҳамда адабиёт, мадания-
ят, санъат, фан ва таълим
соҳаларидаги алоҳида утуқ-
лари учун Қорақалпоғистон
Республикаси, Тошкент шаҳ-
ри ва вилоятлардан иқтидор-

ли қизларга иловага мувофиқ
Зулфия номидаги Давлат му-
кофоти берилсин.
2. Зулфия номидаги Дав-
лат мукофоти билан тақдир-
ланганларга 8 март — хотин-
қизлар байрамига бағишлаб
ўтказиладиган тантанادا со-
вриндорлик ёриқлари ва ни-

шонлари топширилсин.
3. Ўзбекистон Респуб-
ликаси Молия вазирлиги Зул-
фия номидаги Давлат муко-
фоти совриндорларининг ҳар
бирига энг кам иш ҳақининг
50 баравари миқдорда Дав-
лат мукофоти берилишини таъ-
минласин.
4. Мазкур қарорнинг ба-
жарилишини назорат қилиш
Ўзбекистон Республикаси Бош
вазирининг ўринбосари
Д.Ҳуломов зиммасига юк-
лансин.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига илова Зулфия номидаги Давлат мукофоти билан тақдирланган шахслар РЎЙХАТИ

- Вазирлар Маҳкамасининг Раиси
И. КАРИМОВ
- Тошкент шаҳри,
2000 йил 6 март.
- Мустапаева Гульмира Кошкарбаева — Самарқанд вилояти,
Нукус шаҳридаги 37-лицейнинг 11-синф ўқув-
чиси
Сотқинаева Жамила Инобидиновна — Андижон вилояти,
Избоскан тумани, 6-гим-
назиянинг 7-синф ўқувчиси
Орипова Ирода Талабона — Бухоро вило-
яти, Пешку тумани, 11-мактаб кутубхона
мудираси
Муродова Сайёра Собирова — Жиззах
давлат педагогика институтини биология кафе-
драсининг ўқитувчиси
Эргашева Гулҳаё — Қашқадарь вилояти,
Шарҳисаб шаҳри, Амир Темури номидаги гим-
назиянинг 7-синф ўқувчиси
Рўзиева Феруза Усмонова — Навоий
вилояти, Навоий шаҳар, 13-мактабнинг 11-
синф ўқувчиси
Махмудўжаева Зулхумор Юнусова —
Наманган муҳандислик иқтисодиёт институ-
тининг 4-курс талабаси
- Тожиёва Розия — Самарқанд вилояти,
Пастдаргом тумани, 6-қишлоқ кутубхонаси му-
дираси
Қурбонова Нодира Аҳмаджонна —
Сирдарё вилояти, Сирдарё тумани, 41-мак-
табнинг 6-синф ўқувчиси
Махмарамова Шоҳиша Тўхтаевна —
Сурхондарё вилояти "Жаркўрғон ҳақиқати"
газетасининг муҳбири
Тўлабоева Рухсора Сайфуллаева —
Тошкент вилояти, Урта Чирчиқ тумани, 14-
мактабнинг 10-синф ўқувчиси
Абдуллаева Файдин Утамуродовна —
Тошкент давлат консерваторияси аспиранти,
муслиқ-назарий фанлар ўқитувчиси
Содиқова Дилфуза Акрамонжонна —
Фарғона вилояти, Марғилон шаҳри, "Истиқ-
бол" номли гимназиянинг 11-синф ўқувчиси
Жуматов Дилрабо Аминбоевна — Хо-
разм вилояти, Янгиёриқ тумани, 1-мактаб-
нинг 9-синф ўқувчиси

НАФОСАТ БАЙРАМИГА БАҒИШЛАНДИ

Мустанқил Ўзбекистони-
мизнинг иқтисодий-сиёсий,
иқтисодий ва маданий
ҳаьда маънавий соҳалари-
да рўй бераётган оламшумул
тарихий ўзгаришлар да-
влат хотин-қизларимизнинг
муносиб хиссаси бор. Биз
жонажон дийримизнинг
равнақи йўлида жонбозлик
қўрсатётган ишчи ва ши-
фокор, муаллима ва тад-
биркор, муҳандис ва оли-
ма каби эл-юрт хурматига
сазовор бўлган турли касб
соҳибалари бўлиш аёл-
ларимиз, мушфиқ ва мунис
оналаримиз билан
ҳақли равишда фахрлана-
миз, уларни ҳамиша
эъзозлаймиз.

Бу йилги Халқаро хотин-
қизлар байрами — 8 Март
аёлиб ва унутилмас дам-
ларда — Президентимиз
томонидан 2000 йил мам-
лакатимизда "Соғлом ав-
лод йили" деб эълон
қилинган ва шу муносабат
билан қабул қилинган
"Соғлом авлод" Давлат да-
стури изчил амалга оши-
риладиган даврда байрам
қилинаётгани ўзига хос
раамий маъно касб этмоқ-
да.

Пойтахтимиздаги мухта-
сам "Туркистон" саройи-
да 7 март кuni зеболик ва
эзгулик, меҳр-муҳаббат ва
гузаллик рамзи байрами —
8 Мартга бағишланган тан-
танали йилгиликда ана шу-
лар ҳақида сўз юритилди.

Шу кuni бу ерга мамлақати-
миз хотин-қизлари, жамоат
ташқилотлари вакиллари,
меҳмонлар таширф бюрди.

Йилгилини Тошкент ша-
ҳар ҳокими К.Тўлаганов
очди.

Мамлакатимиз раҳбари
Ислом Каримовнинг Ўзбеки-
стон хотин-қизларига йўлла-
ган байрам табригини Пре-
зидентининг Давлат масла-
ҳатчиси Х.Султонов ўқиб
эшиттирди.

Бош вазир ўринбосари,
республика Хотин-қизлар
қўмитаси раиси Д.Ҳуломова
мамлакатимиз аёлларининг
мустанқил Ватанимиз равақи
йўлидаги фаолияти тўғриси-
да гапириб, уларни кўтлуг
байрам билан самимий таб-
риклади.

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг "Зулфия но-
мидаги Давлат мукофотини
таъсис этиш бўйича тақлиф-
ларни қўллаб-қувватлаш
тўғрисида"ги Фармонига би-
ноан, республика Хотин-қиз-
лар қўмитаси қошидаги Зул-
фия номидаги Давлат муко-
фоти комиссиясининг тавси-
ясига кўра, аёло хулқи, зуқ-
қолиги, донолиги, ташаббус-
корлиги билан ноёб истеъ-
додли намоён этаётган
ҳамда адабиёт, маданият,
санъат, фан ва таълим со-
ҳаларида алоҳида утуқлар-
га эришадиган бир гуруҳ
иқтидорли қизлар ҳукумат
қарори билан Зулфия номи-
даги Давлат мукофоти би-

лан тақдирланди. Йилги-
ликда ана шу мукофотлар
тақдирланган қизларга
тантанали равишда топ-
ширилди.
Йилгиликда сўзга чиққан
2-Тошкент давлат тиббиёт
институтининг бўлим му-
дираси, биринчи даража-
ли "Соғлом авлод учун"
ордени нишондори Л.Гли-
нянова, Ўзбекистон Қаҳра-
мони, халқ шоири Э.Вохи-
дов, Бош вазир ўринбосари
Х.Кароматов давлати-
миз раҳбарининг ташаббуси
билан тарихий қадрят-
ларимиз, миллий аъна-
ларимизни тикланаётган,
жаҳонда мустанқил Ватани-
мизнинг обрў-эътибори
ошиб бораётган ҳозирги
вақтда аёлларни эъзоз-
лаш, меҳнатининг қадрига
етиш, хотин-қизларнинг
жамият ҳаётидаги фаол
иштирокини таъминлаш
барчамиз учун муқаддас
бурч эканини таъкидлади.
Йилгиликда Олий Маж-
лис Раиси Э.Халилов, Бош
вазир Ў.Султонов, Бош ва-
зирнинг биринчи ўринбо-
сари Б.Ҳамидов, Прези-
дентининг Давлат маслаҳат-
чилари, Олий Мажлис
Раисининг ўринбосарлари,
Бош вазир ўринбосарла-
ри қатнашди.
Тантаналар катта бай-
рам концерти билан якун-
ланди.

Т. БОТИРБЕКОВ,
ЎЗА МУХБИРИ.

БАХОРИГ МАВСУМГА ХОЗИРЛИК КАНДАЙ?

Қишлоқ ва сув ҳўжаллиги вазирлигида Вазирлар Маҳ-
камасининг кuni кеча матбуотда эълон қилинган "Қиш-
лоқ ҳўжаллиги экинларини баҳорги экинши уюшқоқлик
билан ўтказиш ҳамда 2000 йил давлат эҳтиёжлари учун
харид қилинадиган қишлоқ ҳўжаллиги маҳсулотлари учун
хисоб-китобларни ўз вақтида таъминлаш чора-тадбир-
лари тўғрисидаги қароридан келиб чиқадиган вазифа-
ларга бағишланган йилгилик бўлиб ўтди. Унда тегишли
вазирлик, қўмита, уюшма, бирлашма, компаниялар, мо-
ли ва банк муассасалари раҳбарлари, Қорақалпоғис-
тон Республикаси Вазирлар Кенгаши раисининг, вилоят
хоқимларининг биринчи ўринбосарлари иштирок этди.
Бош вазир ўринбосари, қишлоқ ва сув ҳўжаллиги ва-
зири Б.Олимжон йилгилини очар экан, мазкур қарор
талабларидан келиб чиққан ҳолда баҳорги экин шав-
сунини уюшқоқлик билан ўтказиш, ҳўжалликларни уруқлик
чиғит, унит, ёнилик ва эҳтиёт қисмлар билан тўлиқ таъ-
минлаш, давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган қиш-
лоқ ҳўжаллиги маҳсулотлари учун хисоб-китобни ўз вақ-
тида амалга ошириш зарурлигига эътиборини қаратди.
Йилгиликда таъкидланганидек, барча вилоятларда ҳам
қўқлағми қишлоқ ҳўжаллиги ишлари мавсумига тайёрлар-
лик жараёни талаб даражасида олиб борилаётган. Ҳу-
сустан, оғиринг шўрнин ювиш, ўнгитлаш, мелкоратив хола-
тини яхшилаш ишлари тўри ташқил этилмаган. Хайдов
тракторлари ва экин моласаларининг тайёрлиги ҳам
чиғити белгиланган муддатда экиб олиш имконини бер-
майти. Униб чиққан гаулла майсаларини озиклантириш,
сугориш, зараркунанда ва турли касалликлардан асраш
чора-тадбирлари тўлиқ бажарилмайти. Мутахассислар-
нинг фикрича, бу йил минтақادا занг касаллиги, чигирт-
ка, ўргичмак кена ва қўсақ куртига қарши курашга жид-
дий эътибор бериш лозим.

Йилгиликда Президентининг Давлат маслаҳатчиси
Т.Алимов, Бош вазирнинг биринчи ўринбосари, макро-
иқтисодиёт ва статистика вазир Б.Ҳамидов сўзга чиқди.
(ЎЗА).

ЗАКОВАТ СОҲИБАЛАРИ

ёхуд аёл ҳақида сўз

«Соғлом авлод учун» нодавлат халқ-
қаро хайрия жамғармаси раиси, Олий
Мажлис депутаты Гулнора Йўлдошева
билан байрам мулоқоти



XXI аср сари

— Қадимда Ма-
лика Семирамида
ҳукмронлиги дав-
ридан қолган
ёзувда бир аёл
қудратининг не-
чоғлик юксаклиги
шундай ифода-
ланган экан: «Мен
дарёлари ўзим
хоқлаган томонга
оқишга мажбур
эдим, мен улар-
нинг фойдали
бўлган жойларга-
гина оқишини иста-
рдим. Мен
ҳосилсиз ерни
дарёларим суви
билан сугориб,
серҳосил қил-

дим...» Гулнора Ботирова, суҳбатимиз аввалида
Шарқ аёлининг тарих, жамият ва оиладаги макен
хусусида қисқача тўхталиб ўтган.

— Дарҳақиқат, аёл илоҳий мўъжизакор куч-қудратта
эга. У она сифатида фарзанд ўстириб, авлодлар мўл-
қулигини таъминлайди. Аёл абадият тириклиги нишон-
сидир.

Ҳар бир халқнинг маданияти унинг хотин-қизларга
бўлган муносабат даражаси билан ўлчанди. Бизнинг
қадим аждодларимиз ҳар қандай ҳукмронликлар даврида
ҳам хотин-қизларни эъзозлаган ва қадрлай билган. Улар-
нинг давлат ва сийасатда фаоллигини мазийдан қидириш
бир қадар мақсадга мувофиқдир. Чунки, Темурилар
салтанати даврида сарой аёлларининг макен баланд,
давлат ишларини ҳал этишда эътибори ва тасқир кўчи
эди. Амир Темури чет элдан келган меҳмонларни қабул
қилган вақтда сарой бекалари ҳам қатнашганлар. Гонса-
лес де Клавихо ўз таширфиға бағишланган эътифатда
маликларнинг ҳўмдор билан бирга ўтирганини эътиб
қолдирган. Шохрухнинг хотини Гавҳаришодбегим нафақат
ўғиллари ва набиранлари тарбиясида, балки сийасатда ҳам
нуфузли ўрни эгаллаган аёл эди. Диний ва дунёвий илм
қисқа даражада риёвонларинг Мирзо Улугбек даврида
нужумнослик, математика, фалсафа фанлари соҳасида
етук, беназир, оқила аёллар кўп бўлган. Ҳиндистонда
улкан салтанатга пойдевор қўйиб, бетимсол маданият
яратган буюк давлат арбоби, шох ва шоир Бобурнинг
бувиши Эсан Давлатбегим ўз замонасининг ақли ва тад-
биркор аёли ҳисобланган. Бек ва амалдорлар ҳар вақт
ўзинг наҳсиқати билан иш қўрганлар. Гулбандбегимнинг
«Ҳумононома» асари Шарқ аёлларининг ўткир заковати-
дан дарак беради.

Истиқлол ўз эркини ҳеч қачон ҳеч нарсага алмашти-
ришни истамган аёлга керакли шарт-шароитлар яратиб
бериш, фаолиятини қўллаб-қувватлаш билан унга бўлган
эътиборини давлат мўксига олиб чиқди. Бир-бирининг
узвий давоми билан Инсон манфаатлари йили, Оила
йили ва Аёллар йилида махсус ҳукумат дастурлари қабул
қилинди, қўғиға оқиланоб мақсадларга эришилди, са-
вобли ишлар амалга оширилди. Юрбошимиз оналари-
миз, опа-сингилларимиз, қизларимизнинг жамиятдаги ўрни
ва макенни янада ошириш, ҳурматини жойига қўйиш,
оғирини енгли қилиш — давлатимизнинг, ҳукуматимиз-
нинг, жойлардаги хоқимликларнинг, кенг жамоатчилик-
нинг асосий вазифаси бўлмоғи лозимлигини ҳар лаҳза
жон қўйдириб таъкидлайди.

Аёлларга бўлган чексиз ҳурмат-эҳтирэмимизнинг яна
бир сабаби шундаки, дейди Президентимиз, аёл — ав-
ло, ҳар бир инсоннинг бешигини тебратадиган, оқ сuti
билан унинг юрагига одамийлик фазилатларини сингди-
радиган, уни ҳаёт буронларидан асраб-авайлайдиган фи-
дойи инсондир.

— Мустанқил давлатимиз ўз фарзандларининг
етук, ҳар томонлама баркамол бўлиб олаётганлиги
эътиборини алоҳида эътибор қаратайти. Истиклолнинг
илк кунлариданқоқ соғлом авлод тарбиясининг энг
устувор вазифа деб белгиланиши, озад Ватанимиз-
нинг биринчи ордени «Соғлом авлод учун» деб ата-
лиши-ю, «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жам-
ғармаси тузилиши ушбу фикрининг яққол тасдиқ-
дир. Мазкур эзгу ҳаракатга Сиз бошчилик қиладиган
жамғарма қандай хисса қўшмоқда?

— Биз асосий эътиборни она бўлидиган аёлга қарат-
дик. Соғлом бола фақат соғлом онадангина туғилади,
деган нақлга амал қилган ҳолда иш тулди. Қўғиға хор-
жий ҳўқуматлар, компаниялар, фирмалар ва жамғарма-
лар билан ҳамкорликда юқумли касалликларга қарши ку-
рашга доир махсус дастурлар ишлаб чиқилиб, амалга
оширилмоқда. Ҳомилдор аёллар ва янги туғилган ча-
лоқларни соғломлаштиришга қаратилган лойиҳаларимиз
соғлиқни сақлаш ишига катта хисса қўйиш билан бирга,
аёлни эъзозлаш ва улуғлашга ҳам хизмат қиладди.

— Энди бевосита кuni кеча тақдирот маросими
бўлиб ўтган «Соғ тан — соғлом бола» дастури билан
таншлтирсангиз.

— Ўзбекистонда ҳар йили 250 мингта яқин янги оила
вуқудга келлади ва 600 мингта яқин бола туғилади. Маз-
кур дастурда туғруқхона комплексларида «Еш оналар-
мактаби» ташқил этиш кўзда тутилган. Неонатолог шиқор-
корлар туққан оналар билан чаклоқларнинг парвартишлаш,
тўри оқсатлантириш ва уларда теги ялғиланиши оиди-
ни олиш ҳақида изчил сўхбатлар олиб борилди, она-
ларга ўзув қўллашларини тақдим этилади. Умуман, аш
оналарга чаклоқлар ва экинчилик болаларни парварти-
лаш қўғиғаларининг ўргатиш бўйича «Соғ тан — соғлом
бола» дастури тадбирлари дунёнинг қўғиға мамлакат
бўлиб, жулладан, АҚШ, Европада давлатлари, Саудия Ара-
бистони, Россияда ўтказиб келинади. Тақрибларан ўсиб
келётган аш авлод касаллигинида сақланганини қўғиғат
моқда. Ушбу дастур республикамизда 2000-2005 йиллар
даврасида босқичма-босқич амалга оширилади. Тошкент
шаҳридаги 15 та туғруқхона комплексларида «Еш оналар-
мактаблари» ташқил этиш ва шу йилнинг 15 мартидан
бошлаб ўқув қўғиғаларини билан таъминлашнинг режалаш-
тирганмиз. Бундай тадбирлар кейинчилик Нукус шаҳри
ва вилоятлар марказларидаги туғруқхоналарда ҳам амалга
оширилади. Бизнинг фаолиятимиз Аёлини ҳар томон-
лама ҳимоя қилиш билан чамбарчас боғлиқ.

— Хотин-қизларга байрам тилакларингиз...

— Бахт ва жозибат уларага доимий ҳамроҳ бўлсин! Кун-
да ўзлари учун маълум вақт ажрата билишини. Саломат-
ликларини асрашга алоҳида эътибор қаратишини. Ана
ушандегилар улара Юрбошимизнинг ҳар томонлама соғ-
лом авлодини воғна етказишнинг энг катта орусига ўзла-
рининг соғлом фарзандларини билан катта хисса қўшган
булладлар. Давлатимиз раҳбарининг «Буюк давлатини фақ-
қат соғлом миллият, соғлом авлодига я қурди», деган тур-
маъно сўзлари аёллар турмуш тарзининг кун тартибига
аёлини қирак.

Суҳбатни «Халқ сўзи» муҳбири
Гулчеҳра Йўлдошева эътиб олди.

(ЎЗА).

Аёл билан ғарозон олам



Изҳор

Президентимиз 1999 йилни «Аёллар йили» деб эълон қилган эди. Ушбу йилда Аёлларга муносабат янада ошганлиги шак-

СИЗ ЧИНДАН-ДА ЛОБАРСИЗ...

шубҳасиз. Албатта, Аёлларга ҳамма вақт қасидалар битилган, битилмапти ва битилажақ. Бу бежиз эмас. Мен ҳам шу буюқ зот сийратидagi айрим низгиларга тўхталиб тсам.

Хар биримизнинг ҳаёт китобимиздан ўрин олган «Аёллар йили» ортада қолди. Шу йилда аёлларимизга қандай муносабатда бўлди? Ишдами, оилада-ми, кўчадами, бунинг фарқи йўқ. Чунки аёл қаерда бўлмасин, у муқаддас, у нозиктаб ва буюқ сиймодинг!

Мабодо, бундай саволдан йироқ бўлган муҳтарам эркаклар бўлса, ҳали ҳам фурсат ўтгани йўқ. Вақт бор. Атрофимизда, ишонадми биз билан бирга ҳамкасб, оилада жонкуяр она, кўча-кўйда орасталик, ҳуш кайфият таратувчи, Яратганнинг азият муқаррам сиймосига бир назар солайлик ва Сиз чиндан-да гўзалсиз, деб табассум ҳада этайлик.

Баъзан ўйлаб қоламан, бу оламда аёлга нима керак?! Меҳр керак, мурувват керак, ондийгина эътибор керак.

Сиз меҳрибон ОНАСиз, Сиз уйимизнинг фаришта-си, бағримизнинг яримта-си гўзал Ерисиз, Сиз оталари еру кўкжа ишон-майдиған, бахту тахтини тилайдиган боқира

КИЗсиз. Сиз чиндан-да гўзалсиз... Бу абадий гўзалликдир. Утган вақт ичда Сизнинг кайфиятингиз, оромингиз, асабингиз бузилишига сабаб бўлдиكم? Ишингиз юришмай қолганда далда бера олдиكم, мардларча қопатишга уриндиكم? Билмадим...

Келинг, агар шундай ҳолатлар бўлиб ўтган бўлса, ҳамкасбингиз, ёрингиз, отангиз номидан пойингизга бош уриб мен узр сўрай. Кечиринг, уларни, унтинг бундай ҳолатларни.

Бугун мустақил Ватанимиз катта ўзгаришлар, тадбирлар арафасида. Шу тадбирларда Сизнинг ўрнин-гиз, СИЗнинг борлигин-гиз ўзгача.

Олий Мажлис депутатла-ри каторида СИЗнинг ҳам борлигингиз катта бахт.

Янги фикр, янги турмуш, янги талаб завоқи билан яшаёмиз. Тасаввур қилинг, шу жараёнда Аёл йўқ. Дахшат! Бундай ҳолатдан ўзи асрасин.

Сўзининг аввали ва якуни ҳам битта. Сизга тароват, орасталик, нафис-лик ярашади. Чечрангизда-ги жозиб, оҳанрабо ним табассумга губор тушма-син, қаро кўларингиз нам бўлмасин, муҳтарам Она, севиқли Ер, жажжи Қизалоқ ва куйинчақ Ҳамкасаба.

СИЗ чиндан-да гўзалсиз, муқаддассиз, муҳтарам АЕЛ! Шоир таъбири билан айтганда, шундай улуг ва табаруқ эканлигингизни ўзингиз ё биласиз, ё билмайсиз! Бундан қатъий назар, Сиз суоқ ва буюқ-сиз!

Мирзо АНВАР.

БАҲОРНИ СЕВАМАН

Мен XIX асрда, 1898 йили туғилганман. Хозир ёшим 102 да. Шу кунга қадар яхши-ёмон кунларни ҳам, тўқчилик ва йўқчиликни ҳам кўрдим. XX аср бошидаги Тошкент қиёфа-си ҳали-ҳануз кўз ўнгимда. Уруш йилларидаги (иккинчи жаҳон уруши) қийинчиликларни ай-таверсам, хозирги ёшлар ишониммайди.

У кунларни биз кўрдик, бошқалар кўрма-син, илоҳим. Ёшлигимдан баҳорни севаман. Чунки апрел ойида туғилганман. Қолаверса, баҳор энг гўзал ва кўркем фасл. Кексарган сари одам ёшлигини кўп кўрсаркан. Айвонда ўтириб, ҳов-лида очила бошлаган гулларга, кўкара бошла-

ган ўт-уланлару дов-дарактларга ҳавас билан боқаман. Набираларни гулни узмоқчи бўлса, кўй, нобуд қилма, яшнаб тургани қандай яхши, деб насихат қиламан. Бугун хотин-қизлар байрами экан. Илгари ҳам бу байрамни нишонлашда кўп қатнашган-ман. 102 ёшда яна учрашиб турганимга беа-дад шукур! Юртимиз хотин-қизларини 8 март билан чин кўнгилдан табриқлайман. Уларга айтадиган гапим шуки, ношукур бўлишмасин. Ана ушунда ҳамма орзу-ҳаваслари ушалади.

Забихон УЗОҚОВА. Тошкент шаҳри.



Жан-Клод РИШАР, Франциянинг ўзбекистондаги Факултета ва Мухтор — Ўзбекистонга келган-нигма беш йил бўлди. Мана шу ўтган давр мобайнида ўзбек халқининг қадимий урф-одатлари, байрамлари, маданияти, маънавияти ва янаша тарзи билан яқиндан танишиб олдим. Бошқа халқлар сингари ўзбекларнинг ҳам ўзинга хос, тақдирланмас жиҳатлари жуда кўп. Айти-шим мумкинки, миллатнинг бу томонлари менга жуда ёқди.



ЗАРДУШТ ЖОРИЙ ЭТГАН БАЙРАМ

Шарқда биринчи бўлиб яқка тангрига асосланган зардуштийлик динининг муқаддас китоби «Авесто» (эраимиздан олдинги VII аср-нинг охири ва VI асрнинг би-ринчи ярми)да ёзилишича, Зардушт баҳор ойи — Нав-рўзи оламдаги кунлардан бир кунини — «Аёллар бай-рами» деб эълон қилган. Уша кунни жамоадаги, хона-дондаги аёллар, қизлар мол боқиш, сигир соғиш, юнг қирқиш, овқат пишириш, бола боқиш, ҳовли супури-шу кир ювиш сингари барча юмушлардан озод этилган. Уғил болалар тоғу тошлар-дан оналари, опаларию син-гиллари учун боичечак, би-нафша териб тортиқ қилиш-

ган. Эркаклар барча юмуш-ларни ўз зиммаларига ол-ган ҳолда, хонимларига қиз-ларига баҳоли қудрат совга-лар улашган, оналарига эса энг тоза юпка хариддан зар-душтийларнинг хос либоси — сидра ҳада қилишган. Хул-лас, «Авесто»даги далиллар Аёллар байрами зўр шодие-на сифатида нишонлангани, тансиқ таомлар пиширилиб, ширинликлар тайёрланиб, сайиллар уюштирилганли-гини тасдиқлайди. Демак, дунё бўйича аёллар кунини бай-рам сифатида нишонлаш ҳам бизнинг юртимизда Зардушт томонидан жорий қилинганлиги билан фахр-лансақ арзийди.

Ҳамиджон ҲОМИДИЙ.

ҚАРЗ

Онажон, фарзандман, қалбидан мудоом Қарз десаи битта сўз айлаиб кетмас. Аммо ортиқсангиз — бир ҳоучу дуо Бир томчи оқ сўпингиз ҳаққига етмас.

Биламан, меҳрингиз уммондек чексиз, Сиз ёмон кўрасиз қарз десаи сўзи. Қишлоқдан бир қадам чиқмаган, аммо Дунёни кўксига кутарсан онам.

Айтинг, кўнглингизни олайин қандоқ, Сочларингиз захматдан оқарсан онам. Қишлоқдан бир қадам чиқмаган, аммо Дунёни кўксига кутарсан онам.

Яхшилик изладим, ёмондан қочдим, Маломат эзмасин дедим бағрингиз. Туноҳдан кўрдим-у, ёмондан қочдим, Худонинг қаҳри деб Сизнинг қаҳрингиз.

Дейдилар, фарзанддан оқибат лозим, Саваб бор иймону диёнатда ҳам. Опанинг болада ҳаққи кўп, лекин Утаб бўлмас уни Қиёматда ҳам.

Онажон, мабодо келса ўша кун, Оллоҳдан бир ишга ижозат сўрай: Ногоҳ тапангизга сачрамасин чўғ — Дўзах қопқасида кўндаланг турай.

Зарифа ЭРАЛИЕВА.

АЁЛ

Аёл, доим сен бор бўл, Садоқатли бир ёр бўл, Вафо бўласин ҳамроҳинг, Аёл, номус бўл, ор бўл.

Кўплар учун бир туш бўл, Қўлда учган оққуш бўл, Далларини қон йиғатган Зайнаб бўлма, Кумуш бўл.

Аёл, жўшқин навосан, Аёл, улкан маъносан, Вафо уйинг тилкасан Узинг Момо Ҳавосан.

Аёл, доим сен бор бўл, Садоқатли бир ёр бўл, Вафо бўласин ҳамроҳинг, Аёл, номус бўл, ор бўл.

Анора ПАРДАБОВА.

Мушоира КЎКЛАМ

Дарактлар титроқдан чайқалиб кетар, Шохлар маҳкам тутар қуртакларини. Соқин боғлар узар елар насимлар Кучоқлаб баҳорнинг эртақларини...

Кўндан қушлар йўли тушмаган осмон Кўксини уфққа кўйиб олар тин. Бегуноҳ турналар қайларда сарсон, Уларсиз ҳаяжон дунёлари жим...

Юксалиб боради тоғлар тобора, Булутлар сўяйди елкаларини... Қайтиб келаетир турналар яна Умида тўладириб ўлкаларини...

Ҳанифа ШАМШИЕВА.



Олам кўркин безайди баҳор,
Олам кўркин безайди аёл.
Биз тилаймиз дунёдаги бор
Бахт, гўзаллик сизга бўлсин ёр.

Март

UZDUNROBITA

DIYORIMIZ BO'YLAB BIZ BILAN cellular

